



Vaziyat

2023 йил
3 август
№ 31 (920)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулودда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



МАҲОРАТ БАҲСИ

Жорий йилнинг 27–30 июль кунлари Тошкент шаҳрида ёнғин-қутқарув спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси очик чемпионати мусобақаси бўлиб ўтди.



Мазкур мусобақада ФВВнинг худудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларидан 19 та эркаклар ҳамда 16 та қизлар терма жамоалари иштирок этди.

Беллашувда иштирокчилар ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасига кўтарилиш, 100

метрга тўсиқлар оша югуриш, икки кураш, 4x100 метрли ёнғин ўчирувчилар эстафетаси, ёнғин ўчириш автомобилдан жанговар ёйилиш ҳамда кросс-фит турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, эркаклар терма жамоаси ўртасида Тошкент вилояти ФВБ терма жамоаси 1-ўринни, Қашқадарё вилояти ФВБ терма жамоаси 2-ўринни, Тошкент шаҳар ФВБ терма жамоаси 3-ўринни кўлга киритди.

Қизлар терма жамоалари ўртасида Қашқадарё вилояти ФВБ терма жамоаси 1-ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент шаҳар ФВБ терма жамоасига 2-ўрин ҳамда Сирдарё вилояти ФВБ терма жамоасига 3-ўрин насиб этди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ФВВ раҳбарияти томонидан медаль, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ФВВ Матбуот хизмати.



ФВВ Фуқаро муҳофазаси институтида вазирлик тизимидаги 30 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ўртасида “Энг яхши ёш шоир” ва “Энг яхши ёш адиб” кўрик-танловлари ўтказилди.

ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

Тадбирда Фанлар Академияси Тарих институти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ФВВ раҳбарияти, институт ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Иштирокчиларнинг ижод намуналари полковник Абдуазим Аҳмадходжаев раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона ва атрофлича ўрганиб чиқилди.

Танловга тақдим қилинган ижодий ишлар низом талаблари асосида, хусусан, бадий асарларда оригиналлик, тугаллик, таъсирчанлик мавжудлиги, ижодий ишларда шеърӣ ёки насрий асар ёзиш техникасига тўлиқ амал қилинганлиги, бадий сўз қудратига таяниб, миллий ифтихор, юртга садоқат, эзгу фазилатлар ва юксак ҳислатларга ҳурмат, ота-она ва устозларга эҳтиром туйғуларини тараннум этилиши, инсоний фазилатлардан сабоқ берадиган, муаллифнинг ҳаётӣ ҳулосаларини бадий тарзда баён этувчи, қолавер-

са, реал воқеаларга асосланган, хизмат вазифасини ўташ чоғида юз берган турли ҳодисалар, қаҳрамонликлар ҳаётӣ ифодаланган ва бадий жиҳатдан пухта тайёрланганлигига қараб ғолиб ва совриндорлар эълон қилинди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосаларига кўра, “Энг яхши ёш адиб” танловида 1-ўрин курсант Ёрқинбек Аброловга, 2-ўрин оддий аскар Валишер Алишеровга, 3-ўрин оддий аскар Музаффар Муҳаммадсолиевларга насиб этди.

“Энг яхши ёш шоир” танловида 1-ўринни катта лейтенант Авазбек Парманов кўлга киритган бўлса, 2-ўринни Достон Ҳамроқулов, 3-ўринни курсант Ҳумоюн Ҳусановлар эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар махсус дипломлар, шунингдек, бошқа иштирокчилар, яъни танловнинг республика босқичига қадар етиб келган ижодкор ёшлар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Масрур САНАЕВ,
“Вазият” мухбири.



ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура-си ва Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида тадбир бўлиб ўтди.



Унда Тошкент шаҳри ва вилояти Қўриқлаш бошқармалари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийлар иштирок этдилар.

Тадбирда республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия полковниги Ш.Ҳайитов “Интизомнинг хизматдаги, турмушдаги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги аҳамияти” мав-

зусида маъруза қилди. Таъкидланганидек, интизом Қўриқлаш бош бошқармаси тизимидаги ходимларнинг қонунлар, ҳарбий низомлар, бошлиқларнинг буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этиши ҳисобланади. Интизом ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий

бурчи ва шахсий масъулияти, ўз халқига мислсиз садоқатини ҳис қилишига асосланади.

Дарҳақиқат, сергаклик, огоҳлик, бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, одоб-ахлоқ ва муомала қоидаларига риоя этиш, оилада ва жамоат жойларида ўзини муносиб тутиш, номуносиб хатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ор-номусини ҳимоя қилиш, турмушда ва хизматда бошқаларга ибрат бўлиш интизомнинг муҳим жиҳатлари саналади.

Юқоридаги масалалар очиқ мулоқотда сўзга чиққанларнинг диққат марказида бўлди.

Улуғбек ДАУБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори
катта ёрдамчиси,
адлия капитани.

ХАТАРЛИ ИЛЛАТ

Ma'lumki, har bir davlatni rivojlantirish bilan birga uni orqaga tortuvchi ba'zi omillar ham bor, afsuski. Shulardan biri korrupsiya, ya'ni – “aynish”, “poraga sotilish” demakdir. Bu illat davlat va jamiyatni ichidan kemiruvchi “qurt” misoli tugatib borib, iqtisodiy o'sish va taraqqiyotga xalal beruvchi eng katta xatardir. Bunday xatarlarning oldini olish maqsadida barcha sohada korrupsiyaga qarshi kurashilmoqda. Bu illatga qarshi olib borilayotgan bir qator chora-tadbirlarga qaramasdan mo'may pul topib, nafaqat o'z vijdoni, balki kasbi, ona-Vatan oldidagi burchini ham qo'shib sotayotgan kimsalar hamon oramizda uchrab turibdi. Afsuski, bunday yolg'on va aldovlarga uchib, farzandining qiziqishi va salohiyati bilan hisoblashmaydigan ota-onalar ham yo'q emas. Gapning qisqasini aytganda, ushbu holatlar yillar davomida eng og'riqli nuqta bo'lib keldi.

Rustam MAMATOV,
«Talimarjon IES» AJ OBYXTTEB inspektori,
katta leytenant.

ОГОҲЛИК

Наманган вилояти ФВБда “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” ҳамда “Менинг бошқармам – коррупциядан холи ҳудуд” мавзуларида тадбир ташкил этилди.

Унда Фарғона Ҳарбий суди раиси Шавкатжон Ҳашимов тизим ходимлари орасида содир бўлаётган коррупцион жиноятлар ҳамда унга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда бошқарма бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов томонидан коррупцияга қарши курашиш, ҳалқимизнинг фаровон турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва бизнес учун қулай муҳит яратилишида муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ўткирбек КАЛОНОВ,
Наманган вилояти ФВБ ШХБ ходими, подполковник.

МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ

Навоий гарнизонидаги ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, пенсионерлар ва фуқаролар учун оммавий сайёр қабул ташкил этилди.

Унда ҳарбий прокурор Ж.Ўринов томонидан ҳарбий қисм қўмондонлиги вакиллари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида ташриф бу-юрганларнинг мурожаатлари эшитилди.

Сайёр қабулда жами 12 нафар шахс турли



масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Жараёнда 6 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилган бўлса, уларнинг барчаси тегишлилиги бўйича кўриб чиқилиб, ҳал

этиш учун ваколатли ташкилотларга йўналтирилди.

Ойбек ШАРИПОВ,
Навоий ҳарбий
прокурори катта
ёрдамчиси, адлия
подполковниги.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки порахўрлик ва коррупция жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади. Фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга қўйиш коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ижросини таъминлашда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Нурилла ҲАЙДАРОВ,
Тошкент вилояти ФВБ
шахсий хавфсизлик
бўлими бошлиғи,
подполковник.

HUSHYORLIK – DAVR TALABI

Yig'ilish davomida yo'l harakati qoidalariga amal qilmaslikning og'ir oqibatlarini bo'yicha tayyorlangan videorolik namoyish etildi.

Tadbir yakunida FVV tomonidan olib borilayotgan profilaktik tadbirlar haqida ma'lumotlar berib o'tildi.

Sh.AHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar
bo'limi boshlig'i, kapitan.



Қашқадарё вилояти ҳудудида ўтказилаётган “Долзарб 30 кун” тадбирлари давомида 133 та давлат тасарруфидаги объектнинг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилган бўлса, 142 та тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган объектларда ёнғин-профилактика кўриклари ташкил қилинди. Текширув ва кўриklar давомида 2200 та ёнғинга қарши камчилик аниқланиб, 1866 таси бартараф этилди.

Объектларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида 259 маротаба 7113 нафар ишчи-хизматчига ёнғинга қарши йўл-йўриқ берилиб, профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Вилоятнинг олис тоғли ҳудудларидан бири бўлган Шаҳрисабз туманидаги “Ҳисорак” МФЙда кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳининг вазибаларини тушунтириш мақсадида амалий ўқув машғулотлари ўтказилди. Мавжуд

сув тортишга мўлжалланган мотопомпа ва сув насосларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар берилди, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари бўйича батафсил тушунчалар берилиб, иштирокчиларнинг билимлари мустаҳкамланди. Қолаверса, “Султан сарой” кўп қаватли биносининг қурилиш жараёнида

лойиҳа ҳужжатларида белгиланган ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилиш ҳолати ўрганилди. Объектда қурилиш ишларини олиб бораётган қурувчилар билан профилактик суҳбат ўтказилиб, объект ҳудудида ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ёзнинг иссиқ кунларида фойдаланиладиган совутиш воситаларини ёниқ ҳолда ва қаровсиз



қолдирмаслик лозимлиги тушунтирилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти
ФВБ бошлиғи,
полковник.

САРҲИСОБ

ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

Namangan viloyati FVBning 6 oylik faoliyati bo'yicha o'tkazilgan yig'ilishda doshqarma boshlig'i general-mayor Qosimali Ahmedov o'tgan hisobot davrida sodir bo'lgan yong'in, chaqnash, is gazidan zaharlanish, suv bilan bog'liq baxtsiz hodisalar

va boshqa tUSDagi favqu-lodda vaziyatlar haqida to'xtalib o'tdi.

Boshqarma boshlig'i o'rinbosarlari, boshqarma harbiy xizmatchilari, Namangan shahar va barcha tuman FV bo'limlarining boshliqlari hamda joylardan shahar va tuman FV bo'limlari shax-

siy tarkibi ishtirok etgan tadbir davomida amalga oshirilgan ishlar hamda yo'l qo'yilgan kamchiliklar yuzasidan mutasaddilarning axborotlari tinglandi.

Yig'ilish yakunida amalga oshirilgan ishlar tanqidiy muhokama qilini, xato va kamchiliklarga yo'l qo'ygan rahbar hamda xodimlarga nisbatan intizomiy choralar ko'rildi.

Faoliyati davomida ijobiy natijalarga erishib, boshqa hamkasblariga o'rnak bo'lgan xodimlar rag'batlantirildi.

Namangan viloyati FVB axborot xizmati.



“Қамчиқ” махсус-қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари ҳамда иккинчи ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазибаларга бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

тиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Йиғилиш давомида

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ



Тадбирда сўз олган бошқарма бошлиғи полковник Ҳ.Бобонов 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида аҳоли ва ҳудудларни

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шахсий таркибни ижтимоий ҳимоялаш, ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яра-

бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, бўлим, бўлинма бошлиқлари ҳамда отряд командирлари ҳам ҳисобот бердилар.

Мажлис якунида фаолият давомида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича галдаги вазибалар белгилаб олинди.

М.МИНГБОЕВА,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ
ходими, оддий
аскар.

Andijon viloyati FVB boshlig'ining birinchi o'rinbosari polkovnik J.Karimov tomonidan mutasaddi tashkilotlar bilan hamkorlikda Andijon shahridagi baland qavatli turar joy binolarida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Unda insonlarni yong'indan qutqarish va oqibatlarini bartaraf etish bo'yicha harakatlar amalda ko'rildi.

AMALDA KO'RILDI



S. ZULUNOV, Andijon viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, mayor.

A-373 - “M-39 Гулстон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали – Ўш” автомобиль йўлининг 12-механизациялашган назорат гуруҳ ҳудуди 251 км.да “Тошкент-Водий” йўналишида ҳаракатланган, 3 нафар йўловчиси бўлган “Lacetti” русумли автомобиль ҳайдовчиси томонидан бошқарувни йўқотиши оқибатида олдинда кетаётган худди шу русумдаги автомашинанинг орқа қисмига урилган ва йўл четига ҳандаққа тушиб қолган.

Воқеа жойига “Қамчиқ” МҚЁҚБ қутқарувчи-

БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ



лари махсус асбоб-анжомлар билан етиб боришиб, мутасадди хизматлар ходимлари билан ҳамкорликда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Ҳодиса оқибатида ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар йўқ.

Б.ХАЛИКОВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ
КТ ва МИБ бошлиғи,
майор.

DOLZARB 30 KUN

MChJ «Uz-Kor Gas Chemical» QK va uning tasarrufidagi obyektlar binolarida YXTTEB tomonidan seminar tashkil qilindi.

Unda yong'in xavf-sizligini ta'minlash, mu-



qarshi holatini yanada yaxshilash hamda profilaktik chora-tadbirlarning samaradorligini oshirish bo'yicha fikr-mulohazalar yuritildi.

Tadbir yakunida seminar qatnashchilari ishtirokida birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish bo'yicha ko'rgazmali o'quv mashg'ulotlari o'tkazildi.

R.BABATAYEV
MChJ «Uz-Kor Gas Chemical» QK va uning tasarrufidagi obyektlar binolarida YXTTEB katta inspektori.

Quva tumani FV bo'limi tomonidan tuman hududida suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha qator porofilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.

SUV HAVZALARIDA

Tuman hududidan oqib o'tgan zovur, soy, kanallar va boshqa aholining doimiy cho'milishi odat bo'lib qolgan. Cho'milish ruxsat etilmagan hududlarga, aholiga aniq ko'rinadigan joylarga “Cho'milish qat'iy tanqiziladi!” taqiqlovchi belgilarni o'rnatildi.

Bundan tashqari, tumandagi cho'milish taqiqlangan va ruxsat etilmagan ochiq suv havzalarida 75 marotaba reydlar otkazildi.

Jasurbek XOLMATOV,
Quva tumani FV bo'limi boshlig'i,
mayor.

ДЎСТЛИКДАГИ ЎҚУВ

Жиззах вилояти Дўстлик туманида “Долзарб 30 кун” тадбири доирасида махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.



Унга вилоят ФВБ, ИИБ, Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш, Ободонлаштириш бошқармалари, электр таъминоти корхонаси, “Худудгаз Жиззах” газ таъминоти филиали ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари ва махсус техникалари жалб этилди.

Бир неча босқичда ташкил этилган машғулоти давомида “Дўстлик деҳқон бозори”да фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг фавқулодда вазиятлардаги ҳаракати синовдан ўтказилди.

казилди.

Машғулоти давомида эҳтиётсизлик оқибатида жабрланганларни қутқариш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ҳаракатлари ҳам амалга оширилди.

Ифтихор УМАРОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати раҳбари, капитан.

Хусниддин ҚУВОНДИҚОВ,
Дўстлик тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.

КО‘НИКМАЛАР OSHIRILDI

Gumbuloq 2-gaz yig‘uv punktida “LUOK” MChJ Qashqadaryo viloyatidagi OYXTTEB tarkibidagi yong‘in-qutqaruv qismi tomonidan obyekt ko‘ngilli yong‘in o‘chirish drujina a‘zolari bilan birgalikda qo‘shimcha tarzda amaliy-taktik mashg‘ulot o‘tkazildi.



Mashg‘ulot davomida avariya va boshqa tushadagi favqulodda vaziyatlarda harakatlanish tartibi ko‘rib chiqilib, ko‘ngilli yong‘in o‘chirish drujinalari va soha xizmatlari xodimlarining amaliy bilimlari oshirildi.

B. ABDULLAYEV,
“LUOK” MChJ Qashqadaryo viloyatidagi OYXTTEB boshlig‘i o‘rinbosari, podpolkovnik.

BOZORDA TAKTIK SABOQ

Surxondaryo viloyati FVB hamda Sarosiyon tumani FV bo‘limi tomonidan “Sariosiyon dehqon bozori” hududida maxsus-taktik o‘quv mashqi o‘tkazildi.

O‘quv mashqi yakunida FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari hamda erishilgan yutuqlar va yo‘l qo‘yilgan kamchiliklar yuzasidan muhokama tadbirlari olib borildi.

Kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan tegishli ko‘rsatmalar berildi.

J. JO‘RAYEV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQQ boshlig‘i, kapitan.

Мўйноқ туманидаги “O‘z-Ko‘rGaz Chemical” МЧЖ қўшма корхонаси ишчилар ётоқхонасида амалий-тактик машғулоти ва кўргазмали семинари ўтказилди.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Тадбирда кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси аъзолари ва 26-ёнғин-қутқарув қисми шахсий таркиби иштирокида ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш хусусида маълумотлар берилди.

Амалий машғулоти якунида иштирокчилар

ёнғин ўчириш автобилидаги замонавий асбоб-анжомлар билан таништирилди.

Даняр ШАРАПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ МЧЖ “O‘z-Ko‘rGaz Chemical” МЧЖ ҚК объектлари биналарида ЁХТТЭБ инспектори, лейтенант.



ШАЙЛИК МУҲИМ

“Иккиламчи қораметалл” Самарқанд филиалида “Объектда ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган манбалари топилиши билан боғлиқ аварияни бартараф этишда ФВДТ хизматлари ҳамда мутасадди ташкилотлар куч ва воситаларининг ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Мазкур тадбир давомида ФМ тузилмалари шахсий таркиби ва уларга бириктирилган асбоб-анжомларнинг шайлигини текширилди. Тегишли хизматлар куч-воситалари ва корхона ФМ тузилмалари сардорларининг ўқув машқига тайёргарлиги бўйича маълумотлари қабул қилинди. Асбоб-анжомлар ва зарурий шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги кўздан кечирилди. Разведка, авария-қидирув ва

бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар, зарарланиш зонасини чегаралаш, жабрланган ходимни зарарланиш зонасидан олиб чиқиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий муассасага юбориш тадбирлари бажарилди. Ҳисоботлар тингланди, хато ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Умид ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ бўлими бошлиғи, подполковник.



ТИББИЙ КЎРИК

ФВБ Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказидаги тингловчилар бирламчи тиббий профилактик кўриқдан ўтказилди.



Тиббий кўриқ давомида уларнинг тана ҳарорати, қон босими, мавжуд сурункали касалликлар ҳамда “Д” назорати мавжудлигига асосий эътибор қаратилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 6 нафар тингловчида сурункали соматик касалликлар мавжудлиги аниқланди.

Ҳозирги кунда улар билан амбулатор шароитда даво муолажалари амалга оширилмоқда.

Отабек ҚОРАЕВ,
марказ тиббиёт хизмати бошлиғи, подполковник.

Камронбек ЮСУПОВ,
тиббиёт хизмати фельдшери, оддий аскар.



Янги Наманган тумани ҳудудидаги “Дўстлик савдо саноат комплекс” ва Наманган шаҳридаги “OYDIN PLAZA” меҳмонхонасида амалий-тактик ёнғин ўчириш ўқув машқи бўлиб ўтди.

АМАЛИЙ СИНОВ

Унда шартли равишда содир бўлган ёнғинни ёнғин-қутқарувчилар томонидан бартараф этиш жараёни ва Фавқулодда вазиятларда давлат куйи тизимлари мутахассисларининг ҳаракатлари амалда синаб кўрилди.

Наманган вилояти ФВБ ахборот хизмати.

Муборак нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли Ўртабулоқ сиқув компрессори станцияси ишчи-хизматчилари билан ҳамкорликда амалий-тактик машғулоти ўтказилди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ МАШҚ

Тадбир давомида тиббиёт хизматлари томонидан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилди. Хизматлар томонидан амалга оширилган ишлар хусусида штаб томонидан ҳисобот қабул қилиниб, муҳокама олиб борилди.

Машқ режасига кўра, ёнғин-қутқарув автоэкипажлари шартли ёнғин жойига етиб келиб, офатни бартараф этиш ишларини олиб борди. Шунингдек, захира сув манбалари

орқали жараён доимий сув билан таъминланиб, шартли ёнғин тўлиқ бартараф этилди.

Тадбир якунида масъул раҳбарлар томонидан амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, мутасадди хизматларга зарур тавсиялар берилди.

Фаррух РЎЗИЕВ,
Бухоро вилояти Муборак НГҚЧБ 20-ЁҚҚ смена бошлиғи, катта лейтенант.

“ФАРХОД”ДА АМАЛИЁТ

Навоий кон-металлургия комбинати АЖ ва “Навоийуран” ДК объектларида Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази томонидан “Фарход” маданият саройида ёнгин ўчириш амалий ўқув-тактик машқи ўтказилди.



Унда вилоят ФВБ, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, тез тиббий ёрдам хизмати, ички ишлар бўлими ва комбинатнинг Навоий саноат майдонидаги масъул ходимлари иштирок этдилар.

Машқда маданият саройининг саҳна пастки қисмида оммавий тадбир ўтказилаётган вақтда шартли равишда ёнгин юзага келтирилиб, фавқуллодда ҳолат эълон қилинди ва 500 нафарга яқин томошабин хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди.

Тадбир доирасида маданият саройи тарбияланувчилари учун ёнгин-қутқарув техникаларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда болажонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Бекзод ҒУФУРОВ,
бўлим бошлиғи ўринбосари, майор.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК АЖ ва “Навоийуран” ДК объектларида
ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

МАЛАКАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ



ФВБ Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида бошланғич тайёргарлик ўқув йиғинига жалб этилган кутқарувчи-ҳайдовчилар таркиби билан Самарқанд вилояти Жомбой шаҳридаги “UzAuto Trailer” корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнгин-қутқарув автомобиллари бўйича ўқув семинари ташкил этилди.

Машғулот давомида соҳанинг малакали ҳарбий хизматчиларига юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий “КамАЗ” русумли ёнгин-қутқарув автомобиллари ва улардаги авария-қутқарув асбоб-анжомлари бўйича маълумотлар берилди.

Жасур ХОЛМУРОДОВ,
ФВБ БТ ва MOM цикл ўқитувчиси, майор.



FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida boshlang'ich tayyorgarlikdan o'tgan tinglovchilarning o'quv yig'ini tugallanishi munosabati bilan tantanali bitiruv marosimi bo'lib o'tdi.

TANTANALI MAROSIM

Tadbirda iste'fodagi polkovniklar Qobiljon Ergashev, Qodirjon Baxriyev, iste'fodagi podpolkovniklar O'.Sanakulov, R.Mavlyanov, Sh.Ravshanov, markaz faxriylar kengashi raisi iste'fodagi polkovnik M.Rahmonov va faxriylar kengashi a'zolari podpolkovnik Sh.Otaboyev, podpolkovnik M.Shamsiyevlar hamda “Ruhotod” jome masjidi imom hatibi T.Amirov va boshqa mehmonlar tashrif buyurdilar.

Tadbir davomida markaz boshlig'i polkovnik Shukrullo Ayubov bitiruvchilarni o'quv yig'inini muvaffaqiyatli tamomlaganliklari bilan tabrikladi. Shuningdek, tashrif buyurgan mehmonlar ham bitiruvchilarni o'quv yig'inini a'lo baholarga tugatganliklarini, yangi bilim va malakalarga ega bo'lganliklarini aytib, o'zlarining iliq niyatlari bilan barcha harbiy xizmatchi va xizmatchilarni qutladilar.

Tadbir davomida markaz boshlig'i lavozimida xizmat qilgan polkovnik Qobiljon Ergashev so'zga chiqib polkovnik S.Ahmedovni haqiqiy harbiy xizmatdan Qurolli Kuchlar zaxiraga bo'shatilganligi munosabati bilan qutladi.

O'quv yig'inini davomida o'zining xulq-atvori, tartib-intizomi, jismoniy mahorati va o'quv mashg'ulotlarini a'lo baholar bilan tugatgan tinglovchilarga faxriy yorliq va esdalik sovg'alar tantanali ravishda topshirildi.

Sh.MAMATQULOV,
FVV BT va MOM bo'linma katta ofitseri,
mayor.

ФАОЛ ЁШЛАР – ФАХРИМИЗ



20 нафар ёш қутқарувчи ёнгин ўчириш амалий спорти Республика чемпионати мусобақасининг очилиш маросимида ташкиллаштирилган тантанали маршда фаол қатнашди.

tinglovchisi oddiy askar A.Rahmatov, 100 metr masofaga yugurish shartida 4-guruh tinglovchisi xizmatchi S.Alixonov, 3000 metr masofaga yugurish shartida 2-guruh tinglovchisi oddiy askar U.Sattorov, 24 kg. toshni ko'tarish shartida 6-guruh tinglovchisi xizmatchi A.O'rolov, Armrest-

ling shartida 2-guruh tinglovchisi oddiy askar A.Abdulhamidovlar birinchi o'rinni egalladilar.

Yuqori ko'rsatkichlarga erishgan tinglovchilarga markazning esdalik sovg'alari topshirildi.

M.ASATOV,
FVV BT va MOM o'qituvchisi, mayor.

ЁШ ЛЕЙТЕНАНТЛАР ИШТИРОКИДА

Навоий кон-металлургия комбинати АЖ ва “Навоийуран” ДК объектларида Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказида ФВБ Академиясини тамомлаган ёш лейтенантлар билан вилоят ФВБ масъул ходимлари иштирокида учрашув ўтказилди.



Унда ёш лейтенантларга хизмат вазиफलарига виждонан ёндашиш, ҳарбий хизматнинг машақатлари, коррупцион ва тамагирлик ҳолатларига йўл қўймаслик борасида тушунчалар берилиб,

келгусидаги хизматларини олиб боришда зарур тавсиялар бериб ўтилди.

Ихтиёр ЖУМАЕВ,
НКМК АЖ ва “Навоийуран” ОЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, подполковник.

ТАЛАБ АСОСИДА

Наманган вилояти ФВБда тадбиркорлар учун “Очиқ эшиклар куни” тадбири ташкил қилиниб, бу орқали тадбиркорларнинг мурожаатлари ва муаммоли масалаларини ижобий ҳал этишга эришилмоқда.



Шунингдек, янги қурилаётган савдо шохобчалари ва бошқа қурилиш масканларида ёнгин хавфсизлиги ҳолати ўрганилиб, қуриб битказилган биноларни ёнгин ўчириш воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш, ёнгинга қарши қалқон билан таъминлаш бўйича йўриқномалар берилмоқда.

Х.ЮЛДАШЕВ,
Наманган вилояти ФВБ НТБ бошлиғи,
майор.

Шулардан 14 нафари Бектемир тумани ёшлари бўлиб, улар ёнгин-қутқарув хизмати ходимларидан мунтазам равишда кутқарувчилик сирларини ўрганиб бормоқдалар.

Бу борада улар билан туман ФВ бўлими томонидан изчил ишлар ташкиллаштириб келинмоқда.

Дониёр КЕНЖАБОЕВ,
Бектемир тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

MASHQDA QIYIN BO'LSA...

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi o'zgaruvchan shaxsiy tarkibi o'rtasida sport musobaqalari o'tkazildi.

Markaz boshlig'ining birinchi o'rinbosari mayor A.Ochilov tinglovchilarga musobaqa shartlarini bajarishda omad tiladi.

Ishtirokchilar besh-

ta shart bo'yicha kuch sinashdilar. Bellashuvlar qizg'in tus oldi. Ko'rik-tanlov yakuni bo'yicha “To'sinda tortinish” shartida 1-guruh



Mirishkor tumani FV bo'limiga qarashli 13-kasbiylashtirilgan yong'in-qutqaruv qismi binosini yangidan barpo etish ishlari boshlab yuborildi.

YANGI LOYIHA



Qurilish ishlari boshlanishi oldidan tashkil etilgan tadbir-da viloyat FVB boshlig'i polkovnik Farhod Mirzayev, tuman hokimining birinchi o'rinbosari Xurshid Sharopov va nuroniy-lar ishtirok etdilar.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.

DOLZARB MAVZUDA



"Dolzarb 30 kun" tadbiri doirasida "O'zbekiston" xalqaro anjumanlar saroyidagi mavjud yong'in-texnik komissiyasi huzurida maskanning yong'in xavfsizligini ta'minlash, ularning barqaror faoliyat ko'rsatishini ta'minlash yuzasidan yig'ilish o'tkazildi.

Tadbir davomida tegishli chora-tadbirlar ishlab chiqildi.

Shodiyor ERKAYEV,
"O'zbekiston" xalqaro anjumanlar saroyida YOXTTEB inspektori, mayor.

ЎРГАНИШ

"Qamchiq" maxsus qidiruv, ёнгин-кутқарув бошқармаси, тегишли вазирилик, идоралар ҳамда давлат хизматлари масъул вакиллари тузилган ишчи гуруҳ томонидан "Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андихон орқали-Ўш" автомобиль йўли, шунингдек, "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўлининг "Qamchiq" довонидан ўтган қисмида 2023–2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик даражаси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Р.ХОЛМАТОВ,
"Qamchiq" МҚКБ РКБ(б)МБ бошлиғи, кичик сержант.



Бугунги кунда давом этаётган "Dolzarb 30 kun" тадбири доирасида "Uzbekistan Airports" АЖ ОЎХТБ томонидан ҳам қатор профилактик суҳбат ва учрашувлар ташкил қилинмоқда.

МУҲИМ ТАЛАБ

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнгин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилиб, газ ва электр мосламаларидан ёнгин ҳамда техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш борасидаги муҳим талаб-қоидалар яна бир карра эслатилмоқда.

Шерзод КАДИРОВ,
"Uzbekistan Airports" АЖ ОЎХТБ бош инспектори, подполковник.

TAVSIYALAR BERILMOQDA

Surxondaryo viloyati FVB tomonidan aholi ko'p yig'iladigan maskanlar, korxonalar va tashkilotlar, aholi yashash uylarida yong'inlar va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida qator profilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Ushbu tadbirlarda ishtirokchilarga mavzu yuzasidan tushuntirish va tavsiyalar berildi.

J.JO'RAYEV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQG boshlig'i, kapitan.



ISHCHI-XODIMLAR UCHUN

"Dolzarb 30 kun" loyihasi doirasida Toshkent metropolitenining "O'zbekiston" elektrodeposida 100 dan oshiq ishchi-xodimlari ishtirokida yong'in va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishga oid o'quv-amaliy mashg'ulot o'tkazildi.



Mazkur tadbir davomida ishchi-xodimlarga jonli tarzda ochiq olovli gulxan yoqilib, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish tartibi o'rgatildi. Metropolitenida YXTB xodimlari tomonidan maskanlarga 300 dan ortiq plakatlar o'rnatilib, bekatlar va harakat tarkibida kun davomida 70 dan oshiq videoroliklar namoyish etilmoqda.

J.XAYDAROV,
Toshkent Metropolitenida YXTB inspektori.

OYLIK DOIRASIDA

Qashqadaryo viloyati FVB shaxsiy tarkibi tomonidan "Dolzarb 30 kun" tadbiri doirasida viloyat hududidagi yirik savdo majmualari hamda bozorlarning yong'iniga qarshi holati tekshiruvdan o'tkazildi.

Olib borilgan o'rtomobillarining o'tish ganishlar davomida joylariga o'rnatilgan ko'plab bozorlarda savdo rastalari va yong'in o'chirish av-sun'iy to'siqlarning



barchasi olib tashlanib, shu kabi aniqlangan 2200 ta yong'iniga qarshi kamchilikdan 1866 tasi bartaraf etildi.

Shuningdek, bolalarni yozgi dam oldirish va sog'lomlashtirish oromgohlarida "Fuqaro muhofazasi kuni" va "Yosh qutqaruvchi" musobaqalari o'tkazildi.

Mazkur tadbirlar joylarda izchil davom ettirilmoqda.

M.OSTONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i o'rinbosari, podpolkovnik.

MASЪULIYAT VA BURЧ

"Uzbekistan Airports" АЖга қарашли бўлим ҳудудида раҳбар ходимлар ва ишчи-хизматчилар ҳамда тегишли хизматлар ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Мазкур тadbir давомида ёнгин-кутқарув ва авария-кутқарув автомобилларининг тактик ва техник имкониятлари тўғрисида маълумотлар берилди. Содир бўлган ёнгинларни бошланғич босқичда ўчириш юзасидан машғулот ўтказилиб, эслатма материаллари тарқатилди.

Шунингдек, автомобиллардаги мавжуд асбоб-ускуналар, воситаларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Ф.РАҲИМБОЕВ,
ФВВ ЎМТ ва ҚОЎХБ "Uzbekistan Airports" АЖ бўлим бошлиғи ўринбосари, майор.



Toyloq tumani FV bo'limi tomonidan tuman hokimligi, tuman Ichki ishlar bo'limi, Milliy gvardiya tuman bo'linmasi, "Hududgaz Samarqand" GTF Toyloq tuman bo'limi, tuman Elektr tarmoqlari korxonasi, tuman Yong'iniga qarshi kurashish jamiyati bilan birgalikda "Dolzarb 30 kun" tadbirlari yuqori darajada olib borilmoqda.

YUQORI SAVIYADA O'TDI

Xususan, yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida kamchiliklarga yo'l qo'ygan mas'ul shaxslarga nisbatan jarimalar qo'llanilib, joylarda sovetish maqsadida foydalanib kelinayotgan nosoz elektr uskunalaridan foydalanishlari taqiqlanib, korxonalar va tashkilotlarda ishchi va xodimlarini jalb etgan holda uchrashuvlar o'tkazilmoqda. 3000dan ortiq eslatma, yo'riqnoma, plakatlar va bannerlar ishlab chiqilib, bozor va savdo komplekslariga, yo'lovchi tashish transport vositalariga hamda aholi ko'p to'planadigan joylarga o'rnatildi.

Sh.XUDOYQULOV,
Toyloq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.

ҚИЗГИН СУҲБАТЛАР

Шаҳрисабз тумани ФВ бўлими томонидан туманда янги бунёд этилаётган 11 та кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари биноларида қурилиш ишларини олиб бораётган қурувчилар билан профилактик суҳбат ўтказилиб, объект ҳудудида ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, совутиш воситаларини ёниқ ҳолда қолдирмаслик лозимлиги тушунтирилди.

Соҳа вакиллари мазкур қурилиш иншоотларида олиб борилаётган қурилиш ва монтаж ишлари билан яқиндан танишиб, қурувчи ва масъулларга қурилишда ёнгинга қарши тadbirlarнинг меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилиши ҳамда биноларда ёнгиндан автоматик равишда хабарлаш қурилмаларининг ўрнатилишига муҳим эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида айтиб ўтилди.

А.МИРЗАЕВ,
Яккабоғ тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, катта лейтенант.

А.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Шаҳрисабз тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, капитан.

Сергели туманидаги “Меҳригиё” МФЙда “Долзарб 30 кун” тадбири доирасида профилактик суҳбат ва учрашувлар ташкил қилинди.

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтириб ўтилди.

Суҳбатлар давомида тадбир қатнашчиларининг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Салоҳиддин Тўлаганов,
Тошкент шаҳар ФВБ
ЎХТТЭБ мутахассиси,
оддий аскар.

YONG‘IN XAVFSIZLIGI

Ko‘p qavatli binolarda yong‘inni bartaraf etish masalalari – qutqaruv ishlarining murakkabligi, tezkor yong‘in bo‘linmalari xodimlaridan ko‘p qavatli binolarda yong‘inlarni rivojlanish jarayonlari va xususiyatlari to‘g‘risida har tomonlama bilimga ega bo‘lishni, yuqori kasbiy mahorat, jismoniy tayyorgarlik va psixologik tayyorgarlikni talab qiladi.

Qurilish inshootlari va ichki bezatishda yonuvchan materiallardan foydalanish; avtomatik yong‘in signalizatsiyasi va yong‘inni o‘chirish tizimlarining to‘g‘ri ishlashi; binolarda yong‘inning vertikal va kuchli tutunni tez tarqalishiga, shuningdek, pollar orasida, shiftlarda, zinapoyalarda teshiklarning mavjudligi yong‘inni o‘chirish va qutqaruv ishlarini samarasiz tashkil etishga olib keladi.

Shunday ekan, dizaynerlar, quruvchilar, operatorlar va tuzilmalar egalari yong‘in va uning ta‘siridan oqilona darajadagi xavfsizlikni ta‘minlash uchun qator fundamental muammolarni hal qilish kerak.

Maxsud HASANOV,
Payariq tumani FV bo‘limi bo‘linma
boshlig‘i, kapitan.

ПРОФИЛАКТИКА

Қашқадарё вилояти ФВБ раҳбарлигида вилоят ҳудудидаги ўта муҳим тоифаланган ишлаб чиқариш корхоналарида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирлар давомида мутахассислар томонидан нефтьбазалар, нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш резервуар парклари ҳамда уларни тўкиш ва қуйиш эстакадаларида совутиш тизимини ишга тушириш, нефть маҳсулотларини ташувчи техникаларнинг техник созликка эътибор қаратилмоқда.

Ишчи-хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари хусусида тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

И.ДОНИЕВ,
Муборак НГҚЧБ ОБЎХТТЭБ катта
инспектори, катта
лейтенант.
А.АЗИЗОВ,
Шўртан НГҚЧБ ОБЎХТТЭБ бош-
лиғи ўринбосари,
подполковник.

QOIDALARGA RIOYA QIL!

Shahrisabz tumani FV bo‘limi tomonidan “Dolzarb 30 kun” tadbiri doirasida tumandagi ijtimoiy-iqtisodiyot obyektlarda, odamlar gavjum bo‘ladigan joylarda, qurilish ishlari olib borilayotgan hududlarda profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.



Shuningdek, tumandagi cho‘milish mumkin bo‘lmagan suv havzalarida suvda cho‘kish bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo‘yicha keng qamrovli targ‘ibot-tashviqot ishlari amalga oshirilmoqda.

A.OMONQULOV,
Shahrisabz tumani FV bo‘limi bo‘linma
boshlig‘i, kapitan.
A.RAHMATULLAYEV,
bo‘linma boshlig‘i, kapitan.
H.RAHMATILLOVEV,
bo‘linma inspektori, leytenant.

UCHRASHUV

Chilonzor tumanida “Diyorxon Building” MChJ tomonidan ko‘p qavatli turar joy binosi qurilishida ish olib borayotgan xodimlar bilan uchrashuv bo‘lib o‘tdi.

Tadbir davomida quruvchilar va MCHJ mas‘ullariga yong‘in xavfsizligi qoidalariga rioya etish, yong‘inlar yuzaga kelganda birlamchi harakatlarni amalga oshirish bo‘yicha tushunchalar berildi.

J.ISTAMOV,
Chilonzor tumani FV bo‘limi NTB
boshlig‘i, katta leytenant.



MASHG‘ULOT

Surxondaryo viloyati FVB tomonidan Sarosiy tumani Olmaliq kon-metallurgiya kombinati “Xondiza” shaxtasi bosh shamolatish uskunasi binosida tashkil etilgan “Dolzarb 30 kun” tadbirlari davomida shaxsiy tarkibning saf ko‘rigi ko‘zdan kechirildi.

O‘quv mashg‘ulotida yong‘in va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan tushuntirishlar berildi.

F.SHAYMARDANOV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va
OAVBHQQ yetakchi mutaxassisi.



“Максам-Чирчиқ” АЖ ОЎХТТЭБ ҳарбий хизматчилари томонидан “Долзарб 30 кун” тадбири доирасида корхона ишчилари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий машқ ҳамда машғулотлар ташкил этилмоқда.

Тадбирлар давомида ишчиларга ёнғин хавфсизлиги ва ёнғинларнинг олдини олишга тарғиб қилувчи буклет ҳамда эслатмалар тарқатилмоқда.

У.МАҲАМАТЖОНОВ, Тошкент вилояти ФВБ “Максам-Чирчиқ” АЖ ОЎХТТЭБ бошлиғи, подполковник.

ТАРҒИБОТ



МУЛКИНГИЗНИ АСРАНГ!

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари неча бор огоҳлантириш ҳамда жаримага тортишларига қарамай, ҳамон ўз билганларидан қолмай, уйларида носоз электр, газ плиталаридан фойдаланиб келаётган кимсаларнинг борлиги, вақти келиб хонадонларида ёнғин содир бўлганда эса ёрдам сўраб югургилаб қолаётганларни кўриб кишида ҳам ҳайрат, ҳам ачиниш ҳисси уйғонади.

Ахир, уни кеча тинч ва осуда ҳаёт кечириб, ўз меҳнат маҳсулидан баҳра олиб юрган оиланинг уйи бир кечада кулга айланиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Демак, ҳамма гап ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга амал қилишда.

Д.ҲАСАНОВ,
“ВОСТОК” ДИИЧБ ДУК
ЎХТТЭБ 23-ЎҚҚ смена
бошлиғи, майор.

Фойдали САБОҚЛАР

Олмазор туманидаги “Истиқбол” МФЙда “Долзарб 30 кун” тадбири доирасида назарий ва амалий тадбирлар ташкил қилинди.

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилиб, ёнғин-қутқарув техникалари ҳамда асбоб-анжомлар кўргазмаси ўтказилди.

Кўргазмада маҳсулоситалардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тушунтирилиб, иштирокчиларга ёнғин ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шерзод МУСАЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
ЎХТТЭБ мутахассиси,
оддий аскар.

Наманган вилояти Поп тумани ҳудудида “Долзарб 30 кун” тадбири доирасида қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

ИШЧИ ГУРУҲЛАР ФАОЛИЯТИ

Туманда тузилган ишчи гуруҳларга 18 нафар мутасадди хизмат ходимлари жалб этилиб, 16 маротаба кўп қаватли уйлар ва улардаги 207 та хонадон, 205 та шахсий аҳоли турар жойининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. 610 нафар фуқарога ёнғинга қарши йўриқнома берилиб, 180 та эслатма тарқатилди.

Аҳоли турар жойларида аниқланган камчиликлар юзасидан 4 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. 8 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаш баённомалари расмийлаштирилди. Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Хусанбой ХОЛМАТОВ,
Поп тумани ФВ бўлими ходими.

Ҳозирда маҳаллаларда, давлат ва жамоат ташкилотларида “Долзарб 30 кун” тадбирлари ташкил қилиниб, ушбу тадбирларда иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш тартиб-қоидалари тушунтирилмоқда.

МАҲАЛЛАДА КЎРГАЗМА

Жумладан, Олмазор туманидаги “Ғ.Аъзамов” МФЙда ташкиллаштирилган тадбир давомида ёнғин-қутқарув техникалари ҳамда асбоб-анжомлар кўргазмаси намойиш қилиниб, иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига жавоб берилди.

Айдос БАИРБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЎХТТЭБ
мутахассиси, катта сержант.

“OLTIN VODIY”DA TADBIR

Do‘stlik tumani FV bo‘limi tomonidan “Oltin vodiya” MFY hududidagi 152 ta aholi yashash xonadonining yong‘in xavfsizligi holati ko‘zdan kechirilib, aholi yashash uylari egalariga yong‘in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish va suyultirilgan gaz ballonlaridan foydalanish yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

O‘rganishlar davomida 29 ta kamchilikdan 22 tasi joyida bartaraf etildi, 7 ta kamchilikni bartaraf etish yuzasidan uy egalariga ko‘rsatmalar berildi.

M.JUMANOV, Do‘stlik tumani FV
bo‘limi boshlig‘i, mayor.
P.XUDOYMURODOV, FVV
Akademiyasi 4-bosqich kursanti.

Донолар бисотидан

ҲАМИША ШУНДАЙ БЎЛАВЕРМАЙДИ

Кўчада сайр қилиб юрган киши йўл четда ўтирган кекса одамни кўриб қолди. У мўсафиднинг қаршисига келиб, мурожаат қилди:

— Отахон, улуг ёшли инсон экансиз, анчагина узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтгансиз. Шубҳасиз, жуда доно бўлсангиз керак. Айтинг-чи, мен ёш ва кучлиман-у, аммо ҳеч қаердан иш топа олма-япман, ўғлим гиёҳвандликка берилди, қизимни ҳам яхши тарбиялай олма-япман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса ҳам, ҳеч қаерга қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл тутишим керак? Нима қилсам, буларнинг ҳаммасини ўзгартира оламан?

Қария жавоб берди:

— Эшигинг устига кичкинагина тахтача осиб, унга “Ҳамиша шундай бўлавермайди” деб ёзиб қўй.

— Шу холосми? — ҳайрон бўлди эркак.

— Шу холос, — жавоб қилди кекса киши.

У уйига бориб, қария айтгандек қилди. Бир қанча вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳванд-



ликни ташлади ва ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тан олиб, тавба қила бошлади. Қизи ёш йигит билан яхши кўришиб, оила қурди. Аёли ҳам ўзгарди ва рисоладаги бекага айланди. Эркакнинг ўзи эса сердаромад ишга жойлашди ва кўп ўтмай, ҳатто машина сотиб олди.

Кунларнинг бирида у таниш кўчадан ўтиб бораётиб, икки йилча олдин кекса мўсафидни учратган жойида тўхтади. Қария ҳали ҳам шу

ерда ўтирганди. Эркак унинг олдида яқинлашаркан, машинадан тушмаган ҳолда, унинг ойнасини очиб, сўз қотди:

— Ҳа, бобой, ҳалиям ўтирибсизми? Мен бўлса, кўриб турганингиздек, анча нарсага эришдим. Ўғлим гиёҳвандликни ташлади, энди у тақволи йигит, қизим севиб, севилиб турмушга чиқди. Аёлим ҳам яхши рафиқага айланди. Ўзим ишга жойлашдим ва энди ишхо-

намда мартабали бошлиқман. Сиз эса ҳалиям ўшандек ўтирибсиз, нўноқ чол! Хўш, энди менга нима деб маслаҳат берасиз?

Бу гаплардан қариянинг чеҳраси ўзгармади, аксинча, у суҳбатдошига хотиржам тикилганча, деди:

— Ҳалиги тахтача бор эди-ку, шуни олиб ташламагин...

Русчадан
Муҳаббат ШАРИФОВА
таржимаси.

АГАР БИР ОЙ УМРИНГИЗ ҚОЛСА...

Бир киши хотини билан ҳеч яхши чиқиша олмайди. Уйда ҳар кун оддий нарсалар туфайли тортишув бўларди. Эр бу тортишувлардан безор бўлиб ажрашишни истади. Буларнинг муносабатлари туфайли икки тараф оилаларнинг ҳам орасига совуқчилик тушди. Эр бир кун паришон ҳолда, маслаҳат сўраш учун кўпни кўрган, одамларнинг ҳурматини қозонган бир аҳли илм зотнинг олдида бориб, аҳволини айтди. У зот:

— Энди ажрашсанг ҳам ҳеч бир ўзгариш бўлмайди. Бир ой умринг қолибди, нима қилсанг қил, дейди.

Бу гапни эшитган киши даҳшатга тушиб, ранги оқарган ҳолда чиқиб кетади. Йўлда учраган танишларидан рози-ризалик сўради. Уйига қайтиб, «хотин кел, шунча пайт сени хафа қилдим, яхши эр бўлолмадим, ҳақинга риоя қилолмадим, мени кечир, мендан рози бўл», — деди.

Хотини, «тавба, бу



одамга нима бўлди, бундай гаплар гапиряпти», деб унга раҳми келиб:

— Бей, аслида сиз рози бўлинг, мен доим беодоблик қилдим, сизни кўп ранжитдим, деди. Икковининг ҳам қалби юмшаб, кўзлари ёшланади...

Кейин эр, хафалашган қайноғасиникига борди. Улардан ҳам йиғлаб розилик сўради. Хотини ҳам, қайноғасидан кечирим сўради. Энди уйда ҳар кун жаннатий ҳаётда яшардилар ва бир-бирларини ҳеч ранжитмасдилар...

Лекин эр хотинига, муҳтарам зот айтгани ҳақида ҳеч гапирмади. Бир ой тўлишини санай бошлади. Ўлими яқинлашган сари яхшиликлари ортар, кечалари ибодат қиларди.

Унинг яхши ишлари кўпайгани сари хотинини ҳам, икки оиланинг ҳам муносабатлари илиқлашиб, яхшиликлари ортиб борарди.

Бир ой ўтди... Ҳа бугун ўлади, эртага эса... Лекин ўлмади. Аниқ бир ой демади, бир ой атрофида, деди. Балки бир неча кун ҳали бордир, деб ўйлади.

Бир неча кун кутди, яна ўлмади. Кейин у зотнинг олдида бориб сўради:

— Афандим, мен ўлмадим.

— Ўлиш нимаси? — деди у зот.

— Афандим, сиз бир ойча умринг қолди, дегандингиз, бир ой бўлди. Бироқ мен ўлмадим.

У зот эса:

— Биродар, мен сени қачон ўлишингни билмайман, лекин шуни биламанки, ўлим ҳақ, бир кун албатта, ўласан. Ўладиган одам жанжал, низо билан ҳаётини заҳарламайди. Ҳозирги ҳаётингиздан хурсандмисан? — дейди.

— Ҳа, ҳеч тортишмаяпмиз.

— Қани энди шундай давом этинглар, — деди у зот. Оиладаги икки фарзанди гулдай яшнаб улғаядилар.

Ҳаётимиздаги кўп муаммолар ўлимнинг ҳақ эканини нутишимиз туфайлидир!

Туркчадан
Марям ОСИЁ
таржимаси.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 5400 нуска